

АХБОРОТ-КУТУБХОНА ФАОЛИЯТИДА ЖАҲОН АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИНИНГ МАЪЛУМОТ ВЕБ ПОРТАЛИНИ ЯРАТИШ САМАРАДОРЛИГИ

*(Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
мисолида)*

*Боймирзаева Д., Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ўқуш
заллари хизмати I тоифали мутахассиси,
Тошкент ахборот технологиялари университети II босқич магис-
транти*

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида маълумот берувчи, миллий манфаатларимиз, менталитетимиз, халқимизнинг руҳиятига мос бўлган, шунингдек, фан ва таълимга оид махсус илмий-таълимий веб-сайтлар, портааллар ҳам тобора кўпаймоқда. Бу эса, фойдаланувчиларга фойдали ресурслардан маълумотларни қидириш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Бу борада Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси (кейинги ўринларда Миллий кутубхона деб юритилади) www.natlib.uz веб-сайти ҳам фойдаланувчиларга маълумотларни етказишда кенг имкониятларга эга бўлиб, ўзида кутубхона яратилиш тарихидан тортиб, то бугунги кундаги янгиликларини мужассам этган. Айниқса, ушбу веб-сайтда жойлашган «Chet el elektron resurslari» каталоги муҳим аҳамиятга эгадир. Унда жаҳоннинг онлайн илмий-таълимий ахборот ресурсларини тақдим этувчи Aluka, EBSCO, JSTOR, arXiv.org, BioMed Central, DOAJ, DOAB, IOP, eLIBRARY.RU, OECD-iLibrary, ProQuest, East View ва бошқа етакчи компаниялар ўрин олган. Шунингдек, кутубхона ўқув залларида жойлашган компьютерлар ишчи столида «Зарубежные электронные ресурсы» («Чет эл электрон ресурслари») деб номланган папкада лицензияланган (12 та) ва очиқ ахборот ресурслари (26 та) келтирилган. Улар томонидан тақдим қилинаётган онлайн ахборот ресурслар фан ва таълим тараққиётининг турли соҳаларини қамраб олади ҳамда фойдаланувчиларга илмий-тадқиқот ва ўқув жараёнларини амалга оширишни қўллаб-қувватлашда янги имкониятларни очиқ беради.

Яқин кунларда Миллий кутубхона веб-сайтида кутубхона фойдаланувчилари ва мутахассислари учун юқорида келтирилган жаҳоннинг етакчи компаниялари маълумотларини қидириш самарадорлигини ошириш, ундан янада кенг ва қулай фойдаланиш мақсадида унинг маълумот веб порталини яратиш кўзда тутилган.

Ушбу жаҳон ахборот ресурслари маълумот веб порталининг асосий мақсади – Миллий кутубхона мутахассислари ва фойдаланувчиларининг жаҳоннинг онлайн илмий-таълимий ахборот ресурслари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари, улардан муаллифлик ҳуқуқларига эътибор берган ҳолда фойдаланишларини ҳамда маълумотларни тез ва қулай топишларини таъминлашдир.

Миллий кутубхона веб-сайтида яратилаётган ушбу маълумот веб портали – нафақат кутубхона фойдаланувчилари ва мутахассисларини балки, аҳолининг турли қатламини кутубхонада мавжуд жаҳоннинг етакчи компаниялари ахборот ресурслари ҳақидаги маълумотларга эга бўлишида яқиндан ёрдам беради.

Жаҳон ахборот ресурслари маълумот веб порталидан фойдаланиш – Миллий кутубхона www.natlib.uz веб-сайтига кириш орқали амалга оширилади. Ушбу маълумот веб портали уч тилда: ўзбек, рус ва инглиз тилларида бўлиб, маълумотлар саводли ва мавзу билимларига асосланиб жойлаштирилган. Шунингдек, мунтазам равишда янги ахборот маълумотлари бериб борилади.

Қуйида жаҳон ахборот ресурслари маълумот веб порталининг асосий саҳифаси келтирилган. Бу ерда 9 та асосий бўлим мавжуд:

- Бош саҳифа;
- Лицензияли ахборот ресурслари;
- Очиқ ахборот ресурслари;
- Кутубхона мутахассиси учун;
- Муаллифлар учун;
- Статистика;
- Электрон кутубхона;
- Ёрдам (Help);
- Контакт

Номи	Вазифаси
Бош саҳифа	жаҳоннинг фан ва таълимга оид ахборот ресурслари ҳақида маълумотлар келтириладиган бўлим
Лицензияли ахборот ресурслари	12 та лицензияга эга ахборот ресурслари ҳақида маълумотлар келтириладиган бўлим
Очиқ ахборот ресурслари	26 та очиқ ахборот ресурслари ҳақида маълумотлар келтириладиган бўлим
Кутубхона мутахассиси учун	кутубхона мутахассисларининг ўз соҳаларига тегишли бўлган жаҳон ахборот ресурслари ҳақида маълумотлар келтириладиган бўлим
Муаллифлар учун	муаллифлар учун маълумотлар келтириладиган бўлим
Статистика	фойдаланувчилар томонидан жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланиш статистикаси, қайси тоифа кўп фойдаланиши ҳамда энг кўп фойдаланиладиган жаҳон ахборот ресурслари ҳақида маълумотлар келтириладиган бўлим
Электрон кутубхона	фақат рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларнинг локал тармоқда фойдаланишлари учун яратилган ва фондида электрон шаклдаги ахборотларни сақлайдиган ҳамда улардан фойдаланишни йўлга қўйган электрон кутубхона тўғрисида маълумот берувчи бўлим.
Ёрдам (Help)	фойдаланувчилар ҳамда кутубхона мутахассислари томонидан кўп сўраладиган саволларга жавоб бериладиган бўлим.
Контакт	маълумот веб-портали тўғрисидаги маълумотларни тақдим этувчилар билан уланиш тўғрисида маълумотлар ёритиладиган бўлим.

Маълумот веб порталда жойлашган электрон кутубхонада турли шаклдаги, хусусан, дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, мустақил ишлар, тақдимотлар, луғатлар, магистрлик диссертациялари, соҳа бўйича китоблар, журналлар ва бошқа кўплаб таълимий ресурслар (doc ва pdf шаклда) ўрин олади. Мазкур электрон кутубхона қидирув материални излаш жараёнини осонлаштиради.